

ШАРҚШУНОСЛИК 2010/2

Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий журнали

ISSN 2010 – 9687

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ НАШРИ

ШАРҚШУНОСЛИК
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0053, 16.01.2007 й.)

Бош муҳаррир:

А.МАННОНОВ

Таҳрир хайъати:

Р. АБДУЛЛАЕВ

Б. АБДУҲАЛИМОВ

С. ҲАСАНОВ

Н. ТЎХЛИЕВ

Т. МУХТОРОВ

О. ШОМАТОВ

Қ. СОДИҚОВ

Р. ХЎЖАЕВА

М. ИСҲОҚОВ

А. ИБРОҲИМОВ

Д. ПЎЛАТОВА

У. ИДИРОВ

А. ҚУРОНБЕКОВ
(масъул котиб)Г. РИХСИЕВА
(бош муҳаррир ўринбосари)

Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси
томонидан журнал докторлик ва
номзодлик диссертациялари
юзасидан илмий мақолалар чоп
этилиши лозим бўлган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК

- Қосимова С.** Ҳамидуддин Даририйнинг “Муқаддима”
асарида эъроб масаласи 3
- Қодирова Д.** Вьетнам тилидаги ноаниқ миқдорни
кўрсатувчи айрим ҳисоб сўзларнинг қўлланиши 8
- Жўраева М.** “Ал-Фавоиду-з-Зиёийа” асарида исм
категориясининг таърифи масаласи 12
- Усмонова Ш.** Олтой тилларида сопол идиш
номларини ифодаловчи лексемалар 16
- Разакова М.** Турк тилида киритма конструкциялар ва
уларнинг структур-семантик хусусиятлари 21

АДАБИЁТШУНОСЛИК

- Қуронбеков А.** “Маснавий”да “илм” рамзи 28
- Имомназаров М.** Минтақа адабиёти ривожиди
тасаввуфнинг ўрни 38
- Бултаков И.** “Айёр”нинг ижтимоий замини ва
тарихий прототиплари 50
- Сайдазимова У.** “Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг
типологик таҳлили 54

ФАЛСАФА, ТАРИХ ВА ДИНШУНОСЛИК

- Пўлатова Д.** Ёшларнинг фалсафий тафаккурини
шакллантиришда Шарқ фалсафаси маънавий
қадриятларининг ўрни 62
- Қодиров М.** Порфирий ва унинг дунёқарашининг
Марказий Осиёга таъсири 67
- Зоҳидов Қ.** Араб-мусулмон давлатчилиги ривожиди
ҳарбий ислохотларнинг ўрни 73
- Саидов Ш.** “Шоҳиду-л-икбол” асарида Хива
хонлигининг Россия билан муносабатлари ҳақидаги
маълумотлар 79
- Қодиров З., Жуманиёзов Ф.** XX аср охириги чораги –
XXI аср бошида Эрон ва Саудия Арабистони
подшоҳлиги ўртасидаги муносабатларнинг ўзига
хослиги 84
- Яминов А.** Ибн Сино ва унинг «Илм ал-ахлоқ»
рисоласи 88
- Иқромжонов А.** Фатовои Қозихон асарида муаллиф
қўллаган услублар 92

Нашрга тайёрловчилар:

А. Зиёдов (муҳаррир),
М. Зарифов (техник муҳаррир),
Д. Арифжанова (мусаххих).

Журнал оригинал-макет асосида
босилди.

Индекс 100047.

E-mail: sharq_ilmiy@mail.ru

Веб-сайт: www.tashgiv.uz

© Шарқшунослик, 2010

Босишга рухсат этилди 21.11.10.

Бичими 1/16. Шартли б.т. 10,5

100 нусхада босилди. Буюртма №

Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик
институтининг кичик
босмахонасида босилди.

Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25.

Зайриев А. Буддизм мусулмон тарихчилари
талқинида 98

СИЁСАТ ВА ИҚТИСОД

Маннонов А., Идиоров У. Халқимиз миллий
қадриятлари – жамиятимиз мустақил демократик
тараққиётининг етакчи асоси 104

Омонов Б. Осиё мамлакатларида модернизациялаш
жараёнлари 110

Шазаманов Ш. Иқтисодий ислохотлар
самарадорлиги барқарорликнинг кўрсаткичларидан
бири сифатида (ХХР мисолида) 113

Саттиев М. Ливан: XX аср иккинчи ярмидаги
ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривож 117

Қорабоева Д. Халқаро валюта-молиявий ташкилотлар
билан ҳамкорликка оид Ўзбекистон Республикасининг
қонунчилик тизими 121

ИЛМий АХБОРОТ

Носирова М. "الفاء" – “фа” боғловчиси ҳақида 127

Ибраҳимов А. “Хумоюннома”нинг лексикаси
хусусида 131

Носирова С. Хитой тилидаги терминлар тадқиқи:
метод ва натижа 133

Мирзиётов Ш. “Муқаддамату-л-адаб”даги
грамматик қисмлар таҳлили 136

Музаффаров Ф. Ғазолий таълимотида илмлар
таснифи 138

Ахмедов Д. Корея таълим тизимида концептуал
ёндашув 142

Ражабов А. Сиёсий матнлар таҳлилини амалга
оширишнинг назарий жиҳатлари 145

Мустапова Х. Ўзбекистон – Ҳиндистон:
мустаҳкамланаётган ҳамкорлик муносабатлари 148

Ли Ямей. Хитой тилида гуанёнгүйнинг ўзига хос
хусусиятлари 151

Очилов О. Буюк Хитой шоири Ли Бай ижодида май
мавзуси 155

Шеров С. Японияда иероглиф ёзувининг пайдо
бўлиши тарихидан 158

ИЛМий ҲАЁТ 164

© Тошкент давлат шарқшунослик
институтининг, 2010

ШУХРАТ МИРЗИЁТОВ

“Муқаддамату-л-адаб”даги грамматик қисмлар таҳлили

Тилшунослик, адабиётшунослик бўйича муҳим асарлар яратган Маҳмуд аз-Замахшарий мазкур соҳалар тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Олим қаламига мансуб 70 та асарнинг аксарияти тилшунослик, луғатшунослик соҳаларига бағишланган. Маҳмуд Замахшарий нодир истеъдод эгаси сифатида тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик соҳаларига муштарак хизмат қилувчи асарлар яратган. Унинг машҳур “Муқаддамату-л-адаб” асари бунга яққол далил бўла олади. Фанимиз тарихида мазкур асар асосан луғатшунослик манбаи сифатида танилган. Чунки аксарият илмий доираларда асарнинг икки, уч, тўрт тилли қўлёзмалари ҳақидаги тадқиқотлар тарқалган. Асар устида олиб борилган тадқиқотлар унинг араб нахву сарфи бўйича ҳам нодир манба эканлигини тасдиқлайди.

Аслида асарнинг аслиятдаги 5 қисмидан 3 таси араб тили грамматикаси, яъни ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган¹. Улар мўъжаз, содда, ўрганишга қулай бўлганлиги боис XII асрдан бошлаб мадрасалар тизимида кенг истифода этилган грамматик тўпламлар таркибига киритилган. Ушбу тўпламлар ўрта асрлардан бошлаб ислом дини, таълимоти асосларини ўрганиш учун хизмат қилган араб тилининг кенг камровли грамматик қоидаларини мукамал ўзлаштиришга қаратилган.

Айнан мана шу тўпламлар таркибига машҳур Ибн Ҳожибнинг “Кофия фи-нахв”, Абдулқоҳир Жузжонийнинг “Мият омил”, Иззий “Тасриф” асарлари билан бирга Маҳмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг грамматик қисмлари алоҳида асарлар сифатида киритилган.

“Муқаддамату-л-адаб” асари қўлёзмаларининг аксариятига фақатгина унинг луғат қисми киритилганлиги сабабли бу грамматик қисмлар эътибордан четда қолгандек кўринади. Аслида улар кенг халқ орасида толиби илмлар ўртасида шуҳрат топиб улгурган эди. Мазкур қисмларни улар асардаги номланиш билан эмас, балки бошланиш жумлалар билан атаганлар. Жумладан, мадрасаларда чуқур ўргатилган “Ҳаракату-л-иъроб тусаммо ар-рафъ ан-насиб ва-л-жар” жумласи билан бошланувчи рисола “Муқаддамату-л-адаб” исмларнинг турланишига бағишланган “Тасриф-у-л-асмо” деб номланувчи тўртинчи қисми бўлган. Ёрдамчи сўз туркумларининг изоҳига бағишланган “Фасл фи-л-хуруф аллати тажуру-л-асмо фақат” жумласи билан бошланувчи учинчи қисм грамматик тўпламлардаги “харфлар” га бағишланган рисола билан айнан бир хил.

Грамматик қисм – рисоалардаги араб тили қоидалари баёнининг соддалигини асар матнидан ҳам кўриш мумкин. Феълларнинг тусланишига бағишланган қисмида қуйидагича баён этилади.

Статья посвящена анализу «Муқаддамат ал-Адаб», в котором исследуются грамматические формы арабского языка (служебных частей речи, склонение именных частей речи, спряжение глаголов). Автор статьи констатирует, что Махмуд Замахшарий в удобной, доступной, последовательной форме излагает грамматику арабского языка и делает вывод о том, что именно научная необходимость обусловила многократное переписывание данного произведения.

The analyse of grammatical parts in “Muqaddamatu-l-adab”. One of the prominent works called “Muqaddamatu-l-arab” written by Makhmud Zamakhshari is analyzed in the article. According to some scholars of this field, this work is known as a source of dictionary studies. Some alternative (similar) works of this work are given and each chapter of the work analysed in brief by the author as well. The article gives some information about Makhmud Zamakhshari’s life and creature in Arabian countries and some copies of this work which are saved in the Academies of science of Uzbekistan and Russia.

¹ Исомов З. “Муқаддамату-л-адаб” (Манбашунослик таҳлил). –Т., 2002. –С.36–46.

Билгинки, тилшунос олимлар *-ф*, *-айн*, *-лом* ҳарфларини сўзнинг мезони қилиб олинган. Агар сўзнинг ҳар бир ҳарфи феъл фаъала қолипнинг ҳарфларига тўғри келса, демак у асл ўзак ҳарф бўлади. Агар мос келмаса, у ҳолда бу ҳарф ўзак ҳарф эмас. Масалан: *-дараба* феълнинг барча ҳарфлари ўзак ҳарфларидир, чунки *сод*, *ро*, *бе*, ҳарфлари фаъала фаъала *-ф*, *-айн*, *-лом* ҳарфларига тўғри келади. Даҳража – Даҳража феъли ҳам шундай, чунки бунинг вазни фаълала бўлиб, дол ҳарфи *ф* нинг, *ҳ* ҳарфи айнинг, *р* ҳарфи биринчи ломнинг, *ж* ҳарфи иккинчи ломнинг ўрнига тўғри келади¹.

Демак, Маҳмуд Замахшарий араб тили грамматикасига хос ҳар бир қондани ўта содда ва бир қатор мисоллар билан тушунтириб ўтади.

Тилшунослик тарихидан маълумки, Маҳмуд Замахшарий 1130 йиллар атрофида Арабистонга борганда ўзининг машҳур асари “Муфассал фи синъати иъроб”, “Иъроб (турланиш) санъати бўйича муфассал” китобни яратади. Унда олим тилшунос сифатида араб тили грамматик қондаларини аниқ тизимга солади. Асар ўз даврининг мукамал илмий тилида ёзилганлиги боис, аксарият араб олимлари ҳам уни ўзлаштиришга қийналади. Тили араб бўлмаган бошқа халқлар, хусусан, Мовароуннаҳр аҳолиси учун асарнинг қийинчилик туғдириши шубҳасиз эди. Шу сабабли ҳам Замахшарий давр ва илмий муҳит талабидан келиб чиққан ҳолда “Муфассал”ни соддалаштиради ва ўзига хос енгил баён усулида ёзилган. “Унмузаж” асарини яратади. Маҳмуд Замахшарий араб тилининг мураккаб қонун-қондаларини юқори илмий савияда баён қилгани учун ҳам “Араблар устози”, араб бўлмаган халқларга шундай мушкул вазифани равон тарзда изоҳлагани учун “Ажамлар устози” шарафли номига сазовор бўлган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг грамматик қисмлари ҳам араб тили қонун-қондаларининг енгил, содда баён қилинганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Алоуд-давла Абулмузаффар Отсизнинг адаб ихлосмандлари учун мукамал бир асар ёзишни тилшунослик илмининг энг юксак чўққисига эришган Маҳмуд Замахшарийга топшириши бежиз бўлмаган. Грамматик қисмларнинг соддалиги уларнинг алоҳида рисола-лар сифатида шаклланиши ҳамда омма орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, мадрасаларда асосий тил сифатида чуқур ўргатилган араб тили грамматик тўпламлари таркибига киритилишига ҳамда юзлаб нусхаларда кўчирилишига, юртимиз қўшни мамлакатлари ҳудудига кенг тарқалишига олиб келган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида исмларнинг турланишига бағишланган рисола-ларнинг турли даврларда кўчирилган 200 дан ортиқ нодир қўлёзмалари мавжуд. Рисоланинг ҳамма қўлёзмалари юртимиздаги барча қўлёзма фондларида хорижий қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Жумладан, Россия фанлар академияси шарқшунослик институти фондида асарнинг йигирмага яқин турли даврларда кўчирилган қўлёзмалари мавжуд². Демак, Маҳмуд Замахшарийнинг Муқаддамату-л-адаб асаридаги араб тили грамматикасига бағишланган қисмлар ўзининг соддалиги, баённинг изчиллиги билан ажралиб туради. Бу эса, унинг айнан араб бўлмаган халқлар томонидан араб тилини ўзлаштириш учун ёзилганлигига ишора қилади. Мустақил рисола мақомига етишган ушбу асарларини толиби илмлар ижобий қабул қилган. Илмий зарурият унинг кўплаб қўлёзма нусхаларда бўлишини тақозо қилган.

¹ Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”, ЎЗРФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, №429-в. 361–376-б.

² Халидов А.Б. Арабские рукописи Института востоковедения АНР. Краткий каталог-М, 1986 т.2. с.344–345.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Қосимова С.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Қодирова Д.	ТошДШИ, аспирант
Жўраева М.	ТошДШИ, аспирант
Усмонова Ш.	Бусан Чет тиллари университети, филология фанлари номзоди, доцент
Разакова М.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Қуронбеков А.	ТошДШИ, филология фанлари доктори, профессор
Имомназаров М.	ТДПУ, филология фанлари доктори, профессор
Бултаков И.Ю.	ТошДШИ, филология фанлари номзоди
Сайдазимова У.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Пўлатова Д.	ТошДШИ, фалсафа фанлари номзоди, доцент
Қодиров М.	ТошДШИ, фалсафа фанлари номзоди, доцент
Зоҳидов Қ.	Тошкент ислом университети, докторант
Саидов Ш.	ТошДШИ, тарих фанлари номзоди, доцент
Қодиров З.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Жуманиёзов Ф.	ТошДШИ магистранти
Яминов А.	ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди
Икромжонов А.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Зайриев А.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Маннонов А.	ТошДШИ, филология фанлари доктори, профессор
Идинов У.	ТошДШИ, сиёсий фанлар доктори
Омонов Б.	ТДКТИ, сиёсий фанлар номзоди
Шазаманов Ш.	ТошДШИ, сиёсий фанлар номзоди
Саттиев М.	ТошДШИ, аспирант
Қорабоева Д.	ТошДШИ, аспирант
Носирова М.	ТошДШИ, филология фанлари номзоди
Иброҳимов А.	ТошДШИ, филология фанлари доктори
Мирзиётов Ш.	ТошДШИ, илмий изланувчи
Музаффаров Ф.	Бухоро давлат университети, аспирант
Аҳмедов Д.	ТошДШИ, техника фанлари номзоди, профессор
Ражабов А.	ЎзР Давлат ва жамият қурилиш академияси докторанти
Мустапова Х.	ТошДШИ, илмий изланувчи
Ли Ямей	ТошДШИ, илмий изланувчи
Очилов О.	ТошДШИ, тадқиқотчи
Шеров С.	ТошДШИ, тадқиқотчи